

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.07/30.12.2019.Yu.22.02
РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ

ЯШНАРБЕКОВ АНВАР ЯШНАРБЕКОВИЧ

**ЎЗБЕКИСТОН ҲУҚУҚИЙ ТИЗИМИДА ЮРИДИК-ТЕХНИК
НОРМАЛАР: НАЗАРИЙ ВА АМАЛИЙ МАСАЛАЛАР**

**12.00.01. – Давлат ва ҳуқуқ назарияси ва тарихи.
Ҳуқуқий таълимотлар тарихи**

**юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2023

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Contents of the abstract of the dissertation of the Doctor of Philosophy (PhD)

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Яшнарьбеков Анвар Яшнарьбекович

Ўзбекистон ҳуқуқий тизимида юридик-техник нормалар: назарий
ва амалий масалалар..... 3

Yashnarbekov Anvar Yashnarbekovich

Legal and technical norms in the legal system of Uzbekistan: theoretical
and practical issues..... 24

Яшнарьбеков Анвар Яшнарьбекович

Юридик-технические нормы в правовой системе Узбекистана:
теоретические и практические вопросы..... 42

Эълон қилинган илмий ишлар рўйхати

Список опубликованных научных работ
List of published scientific works 46

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.07/30.12.2019.Yu.22.02
РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ

ЯШНАРБЕКОВ АНВАР ЯШНАРБЕКОВИЧ

**ЎЗБЕКИСТОН ҲУҚУҚИЙ ТИЗИМИДА ЮРИДИК-ТЕХНИК
НОРМАЛАР: НАЗАРИЙ ВА АМАЛИЙ МАСАЛАЛАР**

**12.00.01. – Давлат ва ҳуқуқ назарияси ва тарихи.
Ҳуқуқий таълимотлар тарихи**

**юримдик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2023

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги хузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.4.PhD/Уу454 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат юридик университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, инглиз, рус, (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (<https://tsul.uz/uz/fan/avtoreferatlar>) ва “Ziyonet” Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Якубов Шухрат Умматалиевич,
юридик фанлар доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Отахонов Фозилжон Хайдарович,
юридик фанлар доктори, профессор

Худойбердиев Ахрор Қосималиевич,
юридик фанлар доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

**Ўзбекистон Республикаси Адлия
вазирлиги хузуридаги Юристар
малаксини ошириш маркази**

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат юридик университети хузуридаги DSc.07/30.12.2019.Уу.22.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2023 йил «23» май куни соат 14:00 даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100047, Тошкент ш., Сайилгоҳ кўчаси, 35. Тел.: (998) 71-233-66-36; факс: (998) 71-233-37-48; e-mail: info@tsul.uz).

Диссертация билан Тошкент давлат юридик университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (1120-рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100047, Тошкент шаҳар, Амир Темур кўчаси, 35. Тел.: (99871) 233-66-36).

Диссертация автореферати 2023 йил “10” май куни тарқатилди.

(2023 йил “10” майдаги 10-рақамли реестр баённомаси).

Р.Р.Ҳақимов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш
раиси, юридик фанлар доктори, профессор

Б.А.Нариманов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш
котиби, юридик фанлар бўйича фалсафа
доктори, доцент

И.Р.Беков

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш
хузуридаги илмий семинар раиси, юридик
фанлар доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда инсоннинг табиат ва техникага, ўзини ўраб турган ташқи олам ва ундаги предметларга, ходисаларга нисбатан муносабатини тартибга солиш, ушбу турдаги муносабатларни илмий тадқиқ қилиш бугунги кунда долзарб вазифалардан бири бўлмоқда. Айниқса, “инсон ва табиат”, “инсон ва техника”, “инсон ва робот” муносабатларида янги механизмларнинг пайдо бўлиши соҳага оид қонунчиликни ишлаб чиқишни ва мазкур соҳада илмий изланишларга бўлган эҳтиёжни оширмоқда. Хусусан, норматив ва айрим техник тусдаги қоидаларни белгилаш “The WJP Rule of Law Index” индекси бўйича баҳолашнинг асосий талабларидан бири ҳисобланиб, мазкур индекс доирасида ҳар йили 128 та давлатларнинг рейтинг кўрсаткичлари эълон қилиб борилади¹. Мазкур кўрсаткичлар ўз навбатида, айрим хорижий мамлакатлар қонунчилигида техник характерга эга бўлган қоидаларнинг муҳим ўрин эгаллашига олиб келди.

Жаҳонда юридик-техник нормаларни яратишга оид соҳа, хусусан ҳуқуқий тизим ва унинг таркибий тузилиши, юридик-техник нормалар тушунчаси ва ҳуқуқий табиати, ижтимоий тартибга солиш тизимида юридик-техник нормаларнинг ўрни ва бошқа ижтимоий нормалар билан ўзаро нисбати, юридик-техник нормаларнинг турлари, шакллари ҳамда таркибий тузилиши, юридик-техник нормаларнинг функциялари, ҳуқуқий тизимида юридик-техник нормаларнинг самарадорлигини ошириш масалалари муҳим илмий аҳамият касб этувчи тадқиқот йўналиши каби алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Мамлакатимиз ҳуқуқий тизимини асосини ташкил қилувчи миллий қонунчилик тизимини, хусусан ушбу тизим таркибига кирувчи юридик-техник нормалар ва уларнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, бу борада ваколатли органларнинг вазифа ва ваколатларини модернизация қилиш, жамият ҳаётининг турли жабҳаларида амал қилувчи юридик-техник нормаларнинг самарадорлигини ошириш борасида кенг қамровли ҳуқуқий ислохотлар амалга оширилмоқда. “Ўзбекистон Республикаси қонунчилигини ривожлантириш концепциясини ишлаб чиқиш”² 2022 – 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида белгиланган устувор вазифалардан бири бўлиб, бу эса миллий ҳуқуқий тизим таркибига кирувчи юридик-техник нормаларга оид қонунчиликни янада такомиллаштиришни долзарб вазифа этиб белгиламоқда.

Ўзбекистон Республикасининг “Стандартлаштириш тўғрисида”ги, “Техник тартибга солиш тўғрисида”ги, “Маҳсулотлар ва хизматларни сертификатлаштириш тўғрисида”ги, “Лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомиллари тўғрисида”ги қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 2 июндаги “Техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасида давлат бошқарувини тубдан

¹ <https://worldjusticeproject.org>

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги «2022 – 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги ПФ-60-сон Фармони // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 29.01.2022 й., 06/22/60/0082-сон.

такомиллаштириш тўғрисида”ги ПФ–6240-сон Фармони, 2018 йил 12 декабрдаги “Техник жиҳатдан тартибга солиш, стандартлаштириш, сертификатлаштириш ва метрология тизимларини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–4059-сонли қарори ҳамда соҳага оид бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларнинг ижросини таъминлашда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналишига мос келади.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Юридик-техник нормаларнинг тушунчаси ва моҳияти, уларга оид назарий ҳамда амалий масалаларнинг айрим жиҳатлари бир қатор етук олимларимиз томонидан муайян даражада ўрганилган. Бироқ, юридик-техник нормаларга оид масалалар мамлакатимиз юридик фанида алоҳида тадқиқот мавзуси сифатида ўрганилмаган. Юридик-техник нормаларнинг айрим жиҳатлари, хусусан ижтимоий нормалардан фарқли жиҳатлари мамлакатимизнинг етук олимларидан А.А.Азизхўжаев, А.Х.Саидов, А.Р.Акилов, М.А.Ахмедшаева, Ш.Н.Бердияров, З.М.Исломов, И.В.Кудрявцев, М.М.Миракулов, Ў.Х.Мухамедов, Ф.А.Мухиддинова, О.З.Мухамеджанов, М.К.Нажимов, Х.Т.Одилқориев, Ф.Х.Отаханов, М.М.Файзиев, Ш.А.Сайдуллаев, С.А.Султонова, И.Т.Тулътеев, Р.Р.Хақимов, О.Т.Хусанов, А.Қ.Худойбердиев, Р.Ю.Юсувалиева ва Ш.У.Якубовлар томонидан ўрганилган.

Юридик-техник нормаларнинг умумий жиҳатлари хорижий мамлакат олимларидан Д.В.Малиенко, А.А.Баукен, В.Н.Хропанюк, А.В.Пчелкин, А.Б.Венгеров, А.Ф.Чердянец, А.В.Петров, Т.В.Кашанина, Е.В.Чанков, Г.О.Беланова, В.В.Булгаков, Е.Н.Бырдин, А.Л.Вязов, А.В.Деревесников, Б.Н.Кашников, Е.М.Орач, О.В.Рагузина, Л.А.Сафиурова, Р.К.Шамилева ва бошқаларнинг илмий ишларида ўз ифодасини топган.

Техник тартибга солиш жиҳатлари эса В.Г.Петрасюк, А.А.Рубцов, А.В.Устинов, В.И.Лафитский, А.В.Калмыкова, Ю.А.Тихомиров, В.Ю.Саламатов, О.Ю.Сорочкиналарнинг илмий ишларида муайян даражада ўрганилган. Юридик-техник нормаларнинг айрим экологик жиҳатлари Д.И.Шакирова, Л.И.Брославский, Ма Синьларнинг илмий асарларида¹ ёритилган.

Шунга қарамасдан, мамлакатимиз ҳуқуқий тизими таркибига кирувчи юридик-техник нормалар масаласи монографик тадқиқот иши даражасида комплекс ўрганилмаганлигини қайд этиш мумкин.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Тошкент давлат юридик университетининг илмий-тадқиқот ишлари режасига киритилган “Давлат ва жамият қурилиши тизимини ислоҳ қилишда қонун ижодкорлиги жараёнини янада такомиллаштиришнинг

¹ Мазкур манбалар диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида келтирилган.

устувор йўналишлари” илмий-тадқиқот иши доирасида амалга оширилган.

Тадқиқотнинг мақсади. Мамлакатимизда юридик-техник нормаларга оид назарий ва амалий масалаларни, ушбу соҳадаги мавжуд муаммоларни илмий таҳлил қилиш, мазкур муносабатларни тартибга солувчи қонунчиликни такомиллаштириш йўналишларини ишлаб чиқиш ва истиқболларини белгилашга оид илмий асосланган хулоса, таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари. Ушбу илмий-тадқиқот ишини амалга ошириш орқали қуйидаги вазифаларни ҳал этиш кўзда тутилган:

юридик-техник нормалар тушунчаси, моҳияти, ҳуқуқий табиати ва ижтимоий аҳамиятини тадқиқ этиш;

ижтимоий тартибга солиш тизимида юридик-техник нормаларнинг ўрни ва бошқа ижтимоий нормалар билан ўзаро нисбатини таҳлил қилиш;

юридик-техник нормаларнинг турлари, шакллари ҳамда таркибий тузилишини ўрганиш ва илмий тадқиқ қилиш;

ҳуқуқий тартибга солиш тизимида юридик-техник нормаларнинг функцияларини ўрганиш;

ривожланган хорижий давлатлар миллий ҳуқуқий тизимида ҳамда Ўзбекистон қонунчилик тизимида юридик-техник нормаларнинг ифодаланишини тизимли таҳлил қилиш;

юридик-техник нормаларнинг шаклланиши, ривожланиши ва амалга оширилишидаги мавжуд муаммолар ва уларни ҳал этиш йўллари юзасидан илмий асосланган таклифлар ишлаб чиқиш;

Ўзбекистон миллий ҳуқуқий тизимида юридик-техник нормаларнинг самарадорлигини оширишга оид хулосалар, таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти. Мамлакатимиз ҳуқуқий тизимида юридик-техник нормаларнинг ифодаланиши ва соҳага оид назарий ва амалий масалалар тадқиқотнинг объекти бўлиб ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети. юридик-техник нормаларга оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, ҳуқуқни қўллаш амалиёти, айрим хорижий мамлакатлар қонунчилиги ва амалиёти, статистик материаллар ҳамда юридик фанда мавжуд бўлган концептуал ёндашувлар, илмий-назарий қарашлардан иборатдир.

Тадқиқот усуллари. Тадқиқотда билишнинг диалектик, таҳлил, анализ, синтез, умумлаштириш, қиёсий-ҳуқуқий, мантиқий, тарихий, статистик, социологик, тизимли-тузилмавий, сўровнома, формал-юридик каби усулларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат.

жисмоний ва юридик шахсларнинг техник жиҳатдан тартибга солиш билан боғлиқ муаммоларини таҳлил қилиш орқали техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни такомиллаштириш зарурлиги асослаб берилган;

ортиқча бюрократик тартиб-таомилларни бартараф этиш, энг аввало, тадбиркорлик фаолиятига нисбатан тартибга солиш юқини камайтириш, техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни мақбуллаштириш лозимлиги асосланган;

техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ҳуқуқий нормалар киритишга йўл қўймаслик масаласи асосланган;

техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларни Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида мажбурий тартибда ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш ҳамда ижобий хулоса олингандан сўнг ҳисобга олиниши ва кучга кириш тартибини амалиётга жорий этилиши зарурлиги асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қўйидагилардан иборат:

“Ҳуқуқий тизим”, “юридик-техник нормалар” тушунчаларига муаллифлик таърифлари ишлаб чиқилди;

Ўзбекистон Республикасининг “Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Қонунига қўйидаги мазмундаги 24¹-моддаси лойиҳаси ишлаб чиқилди;

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 77-моддаси лойиҳаси ишлаб чиқилди;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарори билан тасдиқланадиган “Хавфни баҳолаш мезонлари, давлат назорати органлари томонидан тегишли чекловчи чораларни кўриш тўғрисида”ги ва “Юқори хавф туғдирадиган маҳсулот ҳақида тезкор равишда ўзаро хабар бериш тизимининг фаолият кўрсатиш тўғрисида”ги тартиблар қабул қилиш бўйича таклиф ишлаб чиқилди;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан тасдиқланадиган “Техник регламентлар талабларига асосан маҳсулотларни мувофиқлигини баҳолаш тартиби тўғрисида”ги Низом ҳамда “хавфлилик даражаси юқори бўлган айрим турдаги маҳсулотлар” Рўйхатини қабул қилиш юзасидан муаллифлик таклифи ишлаб чиқилди;

Ўзбекистон Республикасининг “Заҳарли моддалар тўғрисида”, “Атроф-муҳитга етказилган зарар оқибатларини бартараф қилиш, компенсация ва ўрнини қоплаш тўғрисида”, “Ичимлик сувининг яроқлилиги тўғрисида”ги қонунларини қабул қилиш бўйича муаллифлик таклифлари ишлаб чиқилди.

Ўзбекистон Республикасининг “Техник жиҳатдан тартибга солиш тўғрисида”ги Қонуни лойиҳаси ишлаб чиқилди.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижалари халқаро ҳуқуқ ва миллий қонунчилик нормалари, ривожланган давлатлар тажрибаси, қонунни қўллаш амалиёти, статистик маълумотларни таҳлил қилиш натижалари асосида умумлаштирилган ва тегишли ҳужжатлар билан расмийлаштирилган. Хулоса, таклиф ва тавсиялар апробациядан ўтказилиб, уларнинг натижалари етакчи миллий ва хорижий нашрларда эълон қилинган. Олинган натижалар ваколатли давлат органлари томонидан тасдиқланган ва амалиётга жорий қилинган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ундаги илмий-назарий хулосалар, таклиф ва тавсиялардан маҳаллий ҳокимият вакиллик органларининг фаолият самарадорлигини баҳолаш юзасидан илмий изланишлар олиб бориш, қонун

ҳужжатларининг тегишли нормаларини шарҳлаш, миллий қонунчиликни такомиллаштириш ҳамда “Давлат ва ҳуқуқ назарияси”, “Конституциявий ҳуқуқ” каби фанларни ўқитиш ва илмий-назарий жиҳатдан янада бойитишда фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти юридик-техник нормаларни қўллаш амалиётини такомиллаштиришда, шунингдек, олий таълим муассасаларида ташкил этиладиган ўқув жараёнлари, семинар ва тренингларда, ўқув ва услубий қўлланмалар тайёрлашда фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Тадқиқот иши бўйича олинган илмий натижалар қуйидагиларда фойдаланилган:

жисмоний ва юридик шахсларнинг техник жиҳатдан тартибга солиш билан боғлиқ муаммоларини таҳлил қилиш орқали техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни такомиллаштиришга оид таклиф Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 26 февралдаги “Техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларни тизимлаштиришга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги 110-сон қарори 2-банди тўртинчи хатбошисини ишлаб чиқишда инobatга олинган (*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Юридик таъминлаш бошқармасининг 2022 йил 3 ноябрдаги 12/21-76-сон далолатномаси*). Ушбу таклифнинг амалга оширилиши техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларни такомиллаштиришга хизмат қилади;

ортиқча бюрократик тартиб-таомилларни бартараф этиш, энг аввало, тадбиркорлик фаолиятига нисбатан тартибга солиш юқини камайитириш, техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларни мақбуллаштиришга оид таклиф Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 26 февралдаги “Техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларни тизимлаштиришга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги 110-сон қарори 2-банди иккинчи хатбошисини ишлаб чиқишда инobatга олинган (*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Юридик таъминлаш бошқармасининг 2022 йил 3 ноябрдаги 12/21-76-сон далолатномаси*). Ушбу таклифнинг амалга оширилиши техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларни мақбуллаштиришга хизмат қилади;

техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ҳуқуқий нормалар киритишга йўл қўймасликка оид таклиф Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 19 майдаги “Давлат ҳуқуқий сиёсатини амалга оширишда адлия органлари ва муассасалари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5997–сон Фармони 5-банди бешинчи хатбошисини ишлаб чиқишда инobatга олинган (*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Юридик таъминлаш бошқармасининг 2022 йил 3 ноябрдаги 12/21-76-сон далолатномаси*). Ушбу таклифнинг амалга оширилиши техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқишда тегишли қоидаларни белгилашга хизмат қилади;

техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида мажбурий тартибда ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш ҳамда ижобий ҳулоса олингандан сўнг ҳисобга олиниши ва кучга кириш тартибини амалиётга жорий этилишига оид таклиф Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 19 майдаги “Давлат ҳуқуқий сиёсатини амалга оширишда адлия органлари ва муассасалари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5997-сон Фармони 5-банди олтинчи хатбошисини ишлаб чиқишда инobatга олинган (*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Юридик таъминлаш бошқармасининг 2022 йил 3 ноябрдаги 12/21-76-сон далолатномаси*). Ушбу таклифнинг амалга оширилиши техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларнинг ҳуқуқий экспертизасига оид нормани белгилашга хизмат қилади;

норматив-ҳуқуқий ҳужжатларида миллий стандарт лойиҳасини келишиш мажбурийлиги назарда тутилган ҳолларда, ушбу лойиҳа тасдиқлангунига қадар манфаатдор тарафлар билан келишилиши лозимлиги, жамоатчилик муҳокамаси даврида миллий стандартлар лойиҳалари стандартлаштириш бўйича соҳага дахлдор техник кўмитада, у мавжуд бўлмаган тақдирда эса Стандартлаштириш бўйича миллий органда техник муҳокамадан ўтиши ҳамда стандартлаштириш бўйича миллий органнинг расмий веб-сайтига ва электрон порталига жойлаштирилган миллий стандартлар лойиҳаларининг жамоатчилик муҳокамаси олтимиш календарь кун ичида амалга оширилиши билан боғлиқ таклифлар Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 3 ноябрдаги “Стандартлаштириш тўғрисида”ги ЎРҚ-800-сон Қонунининг 18-моддаси олтинчи, еттинчи ва саккизинчи қисмларини шакллантиришда ва такомиллаштиришда инobatга олинган (*Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш кўмитасининг 2022 йил 6 декабрдаги 06-13/67-сон далолатномаси*). Ушбу таклифнинг амалга оширилиши техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги стандартларнинг янада такомиллаштрилишига ва ушбу соҳада жамоатчилик назоратининг ривожлантирилишига хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 4 та илмий анжуманда, жумладан, 3 та халқаро, 1 та республика миқёсида ўтказилган илмий-амалий конференция, илмий-назарий семинар ҳамда давра суҳбатларида синовдан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Мазкур тадқиқот натижалари бўйича жами 10 та илмий иш, жумладан, илмий журналларда 6 та (1 та хорижий журналларда) ва тўпламлар таркибида 4 та илмий тезислар чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, учта боб, ҳулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Ишнинг ҳажми 141 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш** (диссертация аннотацияси) қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурлиги, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги, тадқиқ этилаётган муаммонинг ўрганилганлик даражаси, диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети, усуллари, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижаси, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти, жорий қилиниши, апробацияси, эълон қилинганлиги ҳамда диссертациянинг ҳажми ва тузилиши ёритиб берилган.

Тадқиқот доирасида 500 дан ортиқ респондентлар иштирокида социологик сўров ўтказилган. Ушбу сўров орқали, тадқиқот иши давомидаги айрим баҳс-мунозарали масалаларда муайян хулосага келиш, шунингдек, илмий изланишлар якуни бўйича илгари сурилган ғоялар юзасидан жамоатчилик вакилларининг фикрлари ўрганилган. Аҳамиятли жиҳати, мазкур социологик тадқиқотга ўз меҳнат ва кундалик фаолиятида юридик-техник нормалар билан шуғулланадиган эксперт, мутахассислар кенг жалб этилган.

Диссертациянинг биринчи боби **“Юридик-техник нормалар ҳуқуқий тизимнинг таркибий элементи сифатида”** деб номланиб, учта параграфдан иборат. Биринчи параграф **“Ҳуқуқий тизим тушунчаси ва таркибий тузилиши”**га бағишланган. Унда **“миллий ҳуқуқий тизим”**, **“ҳуқуқий тизимнинг таркибий элементлари”** тушунчалари чуқур таҳлил этилган, методологик асослари тадқиқ этилган ҳамда уларнинг илмий-назарий асослари ёритиб берилган.

Миллий ҳуқуқий тизим ривожланишининг тенденциялари, бунда ҳуқуқий, ижтимоий ҳамда юридик-техник нормалар ва уларни амалга татбиқ этишнинг ўзига хос жиҳатлари таҳлил этилган.

Ўзбекистон Республикаси миллий ҳуқуқий тизимини **“инсон қадри учун”** тамойили асосида такомиллаштириш йўналишлари тадқиқ этилган. Айниқса, инсон қадрини юксалтиришда уларга қулайлик яратиш, мазкур ғоя асосида янги ҳуқуқий институтларни ривожлантириш, ҳуқуқни амалга ошириш воситаси сифати юридик-техник нормаларни замонавийлаштириш каби масалаларга алоҳида эътибор қаратилган.

Олиб борилган илмий изланишларга асосланиб, тадқиқотчи томонидан **“юридик-техник нормалар айна вақтда миллий ҳуқуқий тизимнинг ажралмас таркибий қисмларидан биридир”**, – деган хулосага келинган.

Мазкур бобнинг иккинчи параграфи **“Юридик-техник нормалар тушунчаси ва ҳуқуқий табиати”**га бағишланган бўлиб, унда юридик-техник нормалар, уларнинг ўзига хос хусусиятлари илмий таҳлил этилган.

Тадқиқот давомида инсонлар орасида юридик-техник нормаларни тушуниш, бундай нормалар ҳақида тасаввур мавжудлиги хусусида ижтимоий сўров ўтказилди. **“Юридик-техник нормалар ҳақида маълумотга эгамисиз?”**, – деган саволга респондентларнинг 15,1 фоизи йўқ маълумотга эга эмасман, 24,7 фоизи қисман маълумотга эгаман деб жавоб берган. Ёки, **“Юридик-техник нормаларга риоя қилмасликнинг ижтимоий оқибати ҳақида фикрингиз...”** деб

муносабат сўралганда, респондентларнинг 90,4 фоизи салбий оқибатларни келтириб чиқариши мумкинлигини қайд этган.

Диссертант жамоатчилик фикрини ўрганиш асосида, юридик-техник нормалар ҳақида фуқароларга кенгроқ тушунча бериш, унинг аҳамияти ва заруратини кенгроқ ёритиш зарурлиги ҳақида хулосага келган.

Юридик-техник нормаларнинг қуйидаги муаллифлик таърифи ишлаб чиқилган: **“юридик-техник нормалар** – бу инсоннинг табиат, техника, тиббиёт каби унинг атрофида мавжуд муҳит ва воситалар билан муносабатларини, техник ҳаракатлари меъёрларини белгилаб берувчи, давлат томонидан норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда, шунингдек йўриқнома, қўлланма, техник стандартлар шаклида қайд қилинадиган қоидалар мажмуи”.

Тадқиқот давомидаги илмий изланишлар, турли концепциялар, ғоя ва фикрлар таҳлили асосида юридик-техник нормаларнинг қуйидаги ўзига хос жиҳатлари алоҳида ажратиб кўрсатилган:

Биринчидан, юридик-техник нормалар ўзида техник хусусиятларни мужассам қилади, яъни бундай нормаларда инсон ва техника муносабатида муҳим бўлган қоидалар, техникадан фойдаланиш, уни ишлатиш меъёрлари акс эттирилади;

Иккинчидан, юридик-техник нормалар ўз мазмунида “субъект-объект” муносабатларини ифода этади, яъни инсоннинг табиат, ундаги объектлар, меҳнат қуроллари, турли техник воситалар, тиббиёт, фармацевтикага оид йўриқномалар билан ишлаш, улардан фойдаланиш меъёрларини акс эттиради;

Учинчидан, юридик-техник нормалар мазмунан техник ҳаракатларга доир қоидаларни намоён қилади;

Тўртинчидан, техник нормаларга риоя қилмаслик, улар ҳақида махсус билим ва кўникмаларга эга бўлмасдан фойдаланиш муайян оқибатларни келтириб чиқариши мумкин;

Бешинчидан, ижтимоий нормалар инсонларнинг ўзаро ҳамда жамоавий муносабатларини тартибга солса, техник нормалар инсонларнинг техника билан муносабатларини тартибга солишга қаратилган бўлади;

Олтинчидан, юридик-техник нормалар инсонга фан ва техника ютуқларини, инсонни ўраб турган оламни, тиббиёт ва бошқа махсус билим талаб қилинадиган соҳаларни англашга, тушунишга ва улардан тўғри фойдаланишга кўмаклашадиган ўзига хос боғловчидир;

Еттинчидан, юридик-техник нормалар ўзининг ташкилий-техник хусусиятларини йўқотмаган ҳолда ҳуқуқий нормалар белгиларига эга бўлади, яъни улар давлат томонидан ўрнатилади, уларда кўпчиликнинг иродаси акс эттирилади, махсус норматив ҳужжатларда акс эттирилади;

Саккинзинчидан, юридик-техник нормалар “инсон ва табиат”, “инсон ва атроф-муҳит” муносабатларининг оқилона нисбатларини белгилашнинг ҳам асосий воситаси ҳисобланади.

Биринчи бобнинг учинчи параграфида **“Ижтимоий тартибга солиш тизимида юридик-техник нормаларнинг ўрни ва бошқа ижтимоий нормалар билан ўзаро нисбати”** таҳлил қилинган.

Диссертантнинг фикрича, ижтимоий тартибга солиш тизимида инсон ва табиат, инсон ва техника, инсон ва меҳнат қуроллари каби муносабатлар қай даражада ажралмас бўлса, юридик-техник нормалар, ижтимоий нормалар ҳамда ижтимоий муносабатлар шу даражада ўзаро узвий боғлиқ.

Техник нормалар жонли ва жонсиз табиатдаги объектлар, техник воситалар ва механизмлардан фойдаланиш қоидаларини ўзида мужассам этади. Мисол тариқасида инсоннинг кир ювиш машинасидан, музлатгичдан, дазмолдан, компьютер воситалари каби техникалардан фойдаланиши муайян йўриқномаларга, тавсияларга асосланади. Бундай техника воситаларидан фойдаланиш йўриқномалари техника хавфсизлиги қоидалари сифатида талқин қилинади ҳамда инсон хавфсизлиги учун муҳим аҳамият касб этиши қайд этилган.

Диссертант мазкур параграфда қайд этилган ижтимоий тартибга солиш тизимида юридик-техник нормаларнинг ўрни, уларнинг бошқа ижтимоий нормалар билан ўзаро боғлиқлиги хусусидаги фикрлар асосида қуйидаги хулосаларга келган:

Биринчидан, ижтимоий тартибга солиш тизимида ижтимоий нормалар, ижтимоий-техник нормалар, юридик-техник нормалар, техник нормалар бир бутун механизм сифатида ҳаракатга келади. Бунда муайян техник нормалар инсоннинг ижтимоий манфаатларини ифодалайди;

Иккинчидан, ижтимоий тартибга солишда юридик-техник нормалар ижтимоий нормалар каби муҳим аҳамиятга эга ва инсон кундалик фаолиятининг ажралмас қисмидир;

Учинчидан, ижтимоий тартибга солишда юридик-техник нормаларнинг ўрни инсон ҳаёти ва соғлиғини, хавфсизлигини таъминлашда; мол-мулк, атроф муҳит муҳофаза қилинишида, шунингдек табиий ресурслардан, техникадан оқилона фойдаланилишини таъминлашда яққол намоён бўлади;

Тўртинчидан, юридик-техник нормалар ижтимоий тартибга солиш тизимининг ажралмас қисми сифатида инсон томонидан онгли равишда риоя қилинадиган муносабатлар кўламини тартибга солиб туради;

Бешинчидан, юридик-техник нормалар ижтимоий нормалар билан узвий боғлиқ ва улар бир бутунликда инсон таъсирида ҳаракатга келади;

Олтинчидан, юридик-техник нормалар ҳамда ижтимоий нормалар улар воситасида тартибга солинадиган ижтимоий муносабатларга кўра фарқланади, бироқ ўзаро чамбарчас боғлиқ бўлиб, улардан бирисиз ижтимоий тартибга солиш имконсиз;

Еттинчидан, ҳозирги фан ва техниканинг жадал суръатларда ривожланиб бориши ижтимоий тартибга солиш тизимида юридик-техник нормаларнинг ўрни ва аҳамиятини юриспруденциянинг муҳим предмети сифатида намоён қилади.

Диссертациянинг иккинчи боби “**Юридик-техник нормаларнинг таснифи, таркибий тузилиши ва функциялари**” деб номланган бўлиб, унда юридик-техник нормаларнинг турлари, шакллари, таркибий қисмлари, функциялари ҳамда миллий ҳуқуқий тизим билан юридик-техник нормаларнинг уйғунлигига оид ривожланган хорижий мамлакатлар тажрибасининг қиёсий-ҳуқуқий таҳлили ёритиб берилган.

Ушбу бобнинг “Юридик-техник нормаларнинг таснифланиши ҳамда таркибий тузилиши” деб номланган биринчи параграфиди тадқиқотчи томонидан юридик-техник нормалар турлари бўйича бир қатор олимларнинг фикрлари, таснифлари илмий таҳлил қилинган ва улар билан илмий бахс-мунозарага киришилган.

Муаллиф ўзининг қарши фикрини қуйидагича асослайди: “рус олимнинг юридик-техник нормаларнинг таснифи хусусидаги қарашлари ҳам тўлиқ муфассал эмас, яъни юридик-техник нормаларнинг барча турларини қамраб олмаган. Мисол тариқасида ҳуқуқий нормалар ҳуқуқий тартибга солиш предметиға кўра ҳам таснифланиши мумкин. Жумладан, юридик-техник нормалар инсон ва техника, инсон ва табиат каби муносабатларға оид бир қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар воситасида муайян тартибга солиш предметлари доирасида ҳаракатда бўлади. Йўл ҳаракати қоидалари, ёнғин хавфсизлиги қоидалари шулар жумласидандир”.

Юридик-техник нормаларнинг таснифи ҳамда таркибий тузилишиға оид турли қарашлар, ғоя ва фикрлар таҳлили асосида тадқиқотчи қуйидаги хулосаларға келган:

юридик-техник нормалар ҳуқуқ нормалари каби таснифланади, ўзига хос белгиларига мувофиқ муайян турларға, шаклларға бўлинади;

инсон ва табиат, инсон ва техника муносабатлари соф техник нормалар, ижтимоий-техник ҳамда юридик-техник нормалар шаклларида намоён бўлади;

инсон ва табиат, инсон ва техника муносабатлари ушбу муносабатлар ҳаракатға келганда унинг натижасида юзаға келадиган салбий оқибатларға қараб юридик жавобгарлик келтириб чиқарадиган ва аксинча, юридик жавобгарликка сабаб бўлмайдиган ҳолатлар сифатида намоён бўлади;

техник нормалар ҳамда ижтимоий-техник нормалар инсон учун асосан тавсиявий характерға эға бўлиб, уларға риоя қилиш инсон ҳаёти, соғлиғи, хавфсизлиги учун муҳим аҳамиятға эға;

юридик-техник нормалар қандай шаклда баён қилинишидан қатъи-назар жамият ва давлат учун муҳим аҳамиятға эға бўлган ўзига хос ижтимоий муносабатлар доирасини тартибға солади:

юридик-техник нормалар ўзига хослиғиға кўра таркибий тузилиши жиҳатидан асосан гипотеза ва диспозиция шаклида қайд этилади.

“Ҳуқуқий тартибға солиш тизимида юридик-техник нормаларнинг функциялари” деб номланган иккинчи бобнинг иккинчи параграфиди ҳуқуқий тартибға солиш ҳамда юридик-техник нормаларнинг функциялари ҳамда уларнинг ривожланиш тенденциялари тадқиқ этилган.

Диссертант ҳуқуқий тартибға солиш тизими ва унда юридик-техник нормаларнинг функцияларини таҳлил қилиш асносида бундай ижтимоий нормаларнинг қуйидаги функциялари мавжудлиғини илмий янгилик сифатида алоҳида ажратиб кўрсатган: тартибға солиш; муҳофаза қилиш; бошқариш; баҳолаш ва тарбиялаш функциялари.

Шунингдек илмий изланиш давомида юридик-техник нормаларнинг функциялари бўйича жамоатчилик фикри ҳам ўрганилган. Тадқиқот давомида ўтказилган ижтимоий сўровда юридик-техник нормаларнинг вазифалари тўғрисида ҳам савол қўйилди. “Ижтимоий тартибга солиш тизимида юридик-техник нормалар қандай вазифаларни бажаради?”, - деб берилган саволга респондентларнинг 57,6 фоизи тартибга солиш вазифасини, 22 фоизи муҳофаза қилиш вазифасини, 11 фоизи огоҳлантириш вазифасини бажаради, деб жавоб берилган.

Ёки, “техникадан фойдаланиш билан боғлиқ бахтсиз ҳодисалар кўпроқ нимага боғлиқ?”, - деган саволга сўровда иштирок этганларнинг 60,3 фоизи қоидаларга риоя қилмасликка, 20,5 фоизи эҳтиётсизликка, 19,2 фоизи билмасликка боғлиқ деб жавоб берган.

Диссертант, сўров натижалари асосида, “юридик-техник нормалар вазифаларида тартибга солиш вазифаси кенгроқ эканлиги” тўғрисидаги хулосага келган.

Ҳуқуқий тартибга солиш тизимида юридик-техник нормаларнинг функцияларига оид қайд этиб ўтилган фикрлардан қуйидаги хулосаларга келинган:

юридик-техник нормалар ўз хусусиятларига мувофиқ, ҳуқуқ функцияларини ўзида намоён қилади;

юридик-техник нормалар орқали жамиятда шу соҳага доир ижтимоий муносабатлар тартибга солинади, муҳофаза қилинади;

юридик-техник нормалар воситасида инсонларнинг, катта-кичик гуруҳларнинг, жамиятнинг шу соҳага доир умумий манфаатлари ўзаро мувофиқлаштирилади;

юридик-техник нормаларнинг функциялари турли восита ва усуллар орқали таъминланиб, унинг амалга оширилиши ўзига хос тарзда, узлуксиз ҳаракатда бўлувчи механизм сифатида намоён бўлади;

юридик-техник нормаларда муносабат субъектлари томонидан аввалдан белгилаб қўйилган хулқ-атвор қоидалари, тартиб-таомилларни бузилишларини олдини олиш, яъни профилактик таъсир кўрсатиш хусусияти ҳам мавжуд;

ҳуқуқнинг тартибга солиш функцияси муайян хулқ-атвор қоидаларини белгилашда, жамият, давлат ва фуқароларнинг умумий манфаатларини мувофиқлаштирувчи муносабатларни ўрнатишда муҳим аҳамият касб этади;

ҳуқуқий тартибга солиш тизимида юридик-техник нормаларнинг функциялари ижтимоий муносабатларнинг айнан ҳуқуқ воситасида тартибга солинадиган доирасига нисбатан ҳуқуқ нормалари ёрдамида таъсир этиш орқали амалга оширилади.

Иккинчи бобнинг учинчи параграфи **“Ривожланган хорижий давлатлар миллий ҳуқуқий тизимида юридик-техник нормаларнинг акс этиши ва жорий қилиниши”**га бағишланган.

Таҳлиллар асосида ҳозирда дунё ҳамжамятида техник тартибга солиш тизимида асосан икки хил ёндашув кенг қўлланилишини таъкидлаган, булар америкача ҳамда европача услублардир. Америкача ёндашувда техник

тартибга солиш ва стандартлаштириш давлат ва нодавлат, саноат ва де-факто, яъни қонун ҳужжатларида мустаҳкамланмаган, лекин алоҳида компаниялар томонидан қўлланиладиган, минтақавий ва миллий стандартларга бўлинади.

Юридик-техник нормалар соҳасида техник тартибга солиш Америка Қўшма Штатларида ўзига хос механизм орқали йўлга қўйилган. Ушбу мамлакатда техник тартибга солиш борасида алоҳида комплекс ҳужжат мавжуд эмас. Конгресс техник регламентларни ишлаб чиқиш ва жорий қилишни ўз соҳаси бўйича мутасадди вазирлик ва идоралар зиммасига юклаган.

АҚШда инсон ва табиат, инсон ва атроф-муҳит муносабатларига доир юридик-техник нормалар 50 га яқин қонунлар билан тартибга солинган.

Японияда техник тартибга солиш, стандартлаштириш ва хавфсизлик соҳасидаги ҳуқуқий муносабатларни тартибга солувчи асосий норматив-ҳуқуқий ҳужжат “Стандартлаштириш тўғрисида”ги қонун ҳисобланади. Техник тартибга солиш модели АҚШ моделидан тубдан фарқ қилади. Японияда давлат техник жиҳатдан тартибга солиш ва стандартлаштириш соҳасида фаол иштирок этади. У барча ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлайди ва улар, ўз навбатида, мамлакат ва унинг бозори гуллаб-яшнаши ҳақида қайғурадилар. Стандартлаштириш тизимида барча соҳалар бир-бири билан чамбарчас боғлиқ.

Японияда атроф-муҳитни ифлослантирувчиларга нисбатан иқтисодий чоралар қўлланиладиган ҳолларда, масалан, жарималар қўлланилганда, жамоатчилик қўллаб-қувватлашини таъминлашга мўлжалланган. Масалан, “Хавонинг ифлосланишини назорат қилиш тўғрисида”ги қонун 1968 йилда қабул қилинган. Унда корхоналар ва автомобиль двигателлари томонидан атмосферага зарарли моддалар чиқишига чекловлар жорий этилиши кўзда тутилган.

Хитой Халқ Республикасида ҳам юридик-техник нормаларнинг инсон ва табиат, инсон ва атроф-муҳит соҳаси бир қатор қонунлар билан тартибга солинган. Хитой тажрибасининг ўзига хос жиҳати, уларда “назорат қилиш” муносабатларига қонуннинг ўзидаёқ алоҳида урғу берилишида намоён бўлади.

Тадқиқотнинг мазкур параграфида қайд этиб ўтилган ривожланган хорижий давлатлар ҳуқуқ тизимида юридик-техник нормаларнинг акс этиши ва жорий қилинишига оид маълумотлардан қуйидаги хулосаларга келинди:

биринчидан, инсон ва табиат, инсон ва атроф-муҳит, инсон ва ишлаб чиқариш, инсон ва техника, инсон ва флора-фауна каби муносабатлар турли даражадаги қонунлар, кодекслар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар воситасида тартибга солинган, шу нуқтаи-назардан мазкур муносабатлар ҳуқуқий тартибга солиш предметини ташкил қилади;

иккинчидан, ривожланган давлатлар томонидан ҳам жорий қилинган юридик-техник нормаларнинг асосий мақсадлари атроф-муҳитни, табиатни, бу орқали инсоният саломатлигини асраб-авайлаш, ҳимоя қилишга қаратилган;

учинчидан, техник-тартибга солиш тизими барча ривожланган давлатлар учун хос бўлиб, улар техник-тартибга солиш, стандартлаштириш, сертификатлаштириш каби шаклларда намоён бўлади ҳамда “инсон

ва техника”, “инсон ва ишлаб чиқариш”, “инсон ва маҳсулот”, “инсон ва саломатлик” каби муҳим муносабатларни тартибга солади;

тўртинчидан, техник-тартибга солиш, стандартлаштириш, сертификатлаштириш каби атамалар маҳсулотларга, бинолар ва иншоотларга, ишлаб чиқариш, қуриш, ўрнатиш, ишга тушириш, ишлатиш, сақлаш билан боғлиқ жараёнларга мажбурий талабларни жорий қилиш; маҳсулотлар, иш ва хизматларни аҳолининг ҳаёти, соғлиғи ва мол-мулкига, атроф муҳит учун хавфсизлиги, ресурсларни тежаш масалаларида истеъмолчилар ва давлат манфаатларини ҳимоя қилиш; барча турдаги ресурслар тежалишига кўмаклашишдан, ишлаб чиқаришнинг техник-иқтисодий кўрсаткичларини яхшилаш; табиий ва техноген фалокатлар ҳамда бошқа фавқулодда вазиятлар юзага келиш хавф-хатарини ҳисобга олган ҳолда халқ хўжалиги объектларининг хавфсизлигини таъминлаш; инсон ҳаёти, соғлиғи, юридик ва жисмоний шахсларнинг мол-мулки ҳамда атроф муҳит учун хавфли бўлган маҳсулотлар реализация қилинишини назорат этиб бориш; маҳсулотларнинг сифат кўрсаткичларини тасдиқлаш каби мақсадларни ифодалашда қўлланилади.

Диссертациянинг **“Ўзбекистонда юридик-техник нормаларнинг самарадорлигини ошириш истиқболлари”** деб номланган учинчи боби биринчи параграфи **“Ўзбекистон қонунчилик тизимида юридик-техник нормаларнинг ифодаланиши”**га бағишланган бўлиб, унда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг юридик кучи бўйича таснифлаган ҳолда, уларда юридик-техник нормаларнинг акс этишига оид таҳлиллар амалга оширилган.

Улардан келиб чиққан ҳолда республикамиз қонунчилик тизимида юридик-техник нормаларнинг ифодаланиши хусусида қуйидаги хулосаларга келинган:

юридик-техник нормалар конституциявий-ҳуқуқий асосга эга, конституциявий нормалар юридик-техник нормаларга оид умумий қоидаларни ўзида мужассам этган;

юридик-техник нормалар республикамизда амалда бўлган кодексларда, қонунларда, фармон ва қарорларда, фармон ва қарорлар билан тасдиқланган низом ва йўриқномаларда мустаҳкамланган;

юридик-техник нормалар норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар воситасида муайян қоидалар шаклида қайд этилиб, уларда инсоннинг табиат, ундаги ресурслар, техника, иш ва меҳнат қуролларига нисбатан муносабатлари тартибга солинган;

юридик-техник нормаларда қайд этилган қоидалар инсон саломатлиги, унинг хавфсизлиги, фаровон ҳаёти асосларини таъминлайди, шу нуқтаи-назардан уларга риоя қилмаслик учун муайян юридик жавобгарликлар белгиланган;

юридик-техник нормалар норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар воситасида изчил тартибга солинган, ҳар бир йўналишга оид муайян нормалар қабул қилинган.

Учинчи бобнинг **“Ўзбекистонда юридик-техник нормалар: мавжуд муаммолар ва уларни ҳал этиш йўллари”** деб номланган иккинчи параграфида юридик-техник нормаларнинг шаклланиши, амалга татбиқ этилиши соҳасидаги муаммолар тизимли таҳлил этилган.

Диссертант томонидан қуйидаги муаммоли ҳолатлар алоҳида тадқиқ этилган:

биринчидан, “инсон ва табиат” муносабатларида табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш соҳасидаги камчиликлар;

иккинчидан, юридик-техник нормалар қўлланиладиган барча соҳаларга рақамлаштириш тизими ҳали тўлиқ татбиқ қилинмагани;

учинчидан, юридик-техник нормаларнинг катта гуруҳи тааллуқли бўлган стандартлаштириш, техник регламентлар соҳаларидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни халқаро талабларга уйғунлаштириш йўналишидаги мавжуд муаммолар;

тўртинчидан, юридик-техник нормаларни ишлаб чиқиш, уларни ҳуқуқий тартибга солиш билан боғлиқ муаммолар;

бешинчидан, юридик-техник нормаларни амалга ошириш ва қўллаш билан боғлиқ муаммолар;

олтинчидан, юридик-техник нормаларнинг мазмун-моҳиятини англаш ва тушуниш билан боғлиқ муаммолар;

еттинчидан, “яшил иқтисодиёт”ни ривожлантириш учун инновацион ечимларни жорий этишда кичик бизнес субъектлари иштирокининг етарли эмаслиги;

саккизинчидан, юридик-техник нормалар соҳасини ривожлантириш масаласида малакали кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш, малакасини ошириш йўналишидаги муаммолар;

тўққизинчидан, юридик-техник нормаларга риоя қилиниши устидан жамоатчилик назорати институтини ривожлантириш ҳам долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

Тадқиқотнинг мазкур параграфида тадқиқ этилган муаммоли ҳолатлар, уларни бартараф этиш йўналишлари таҳлилидан келиб чиқиб, қуйидаги хулосаларга келинган:

